

Н/Н

MILLIY TIKLANISHDAN — MILLIY YUKSALISH SARI



MILLIY TIKLANISH

Узбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
УзМТДП — www.mt.uz

№
29 (1027) 2019 йил
24 июль, чоршанба

"ТОПГАНИМДАН ЙЎҚОТГАНЛАРИМ КҮП Бўлди"

Депутат номзодини
нега навбатдаги
сайловга қўйишни
истамаяпти?

4-саҳифа



ПАРТИЯ САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИ БУГУНГИ ДАВР ШИДДАТИ ВА ТАЛАБИГА МОС ЭМАС

уни тубдан
янгилаш
зарурати
мавжуд

2-саҳифа

ҚОНУН
МУСТАЖКАМЛАНДИ,
ФАҚАТ ИЖРО
ЭТИЛСА БАС

3-саҳифа



ТАРБИЯ ФАРИШТАЛАРИ

биз уларни асраб-авайлайлик

Нафакат сўзида, балки тарбиянинг ўзида илоҳийлик бор. Чукур ва теран ҳақиқат бор бу сўзда. Тарбия сўзи тилга олиниши билан дархол хушёр тортамиш, ўз-ўзидан масъулият пайдо бўлади. Рухимизда, тафаккуримизда мәннавий уйғониш юз беради.

Бугун мамлакатимизда барча соҳада содир бўлаётган шиддатли ўзгаришлар даврида тарбиянинг ўрни, вазифаси каерда? Тарбияли одамлардан кўра, тарбиясизларга кўпроқ дуч келмаяпмизми? Тарбиясизлик акс этган хунук воқеа-ходисалардан ранжимаяпмизми? Аждодларимиз, ота-боболаримиздан мерос урф-одатларимизга, миллий тарбиямизга путур етмаяптими?.. Сўнгги пайтларда бундай оғир саволларнинг кўпайib бораётгани ташвишли, албатта.

12-с

"ХУРМАЧА ТАВСИЯЛАР"

томорқага буйруқ
бериб бўладими?

...Бу воқеа Китоб-Шаҳрисабз йўлида бўлган. Пойтахтдан келган нуфузли идора раҳбари йўлбўй хадеб юзига фотика тортаверган. Аввал "дуо қилаётандир" деган ўйда бепарво қараган махаллий масъулларнинг бориб-бориб ҳайронлиги ортган. Охири юрак ютиб, бирори бунинг сабабини сўрашга қилаяпман", жавоб берган у. Масъуллар эса гап нимадалигини воқеа латифага айланни кетган).



ПАРТИЯ САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИ БУГУНГИ ДАВР ШИДДАТИ ВА ТАЛАБИГА МОС ЭМАС

УНИ ТУБДАН ЯНГИЛАШ ЗАРУРАТИ МАВЖУД

Маълумки, шу йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Шу боис, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаси Самарқанд шаҳрида бўлажак сайловга тайёргарлик кўриши ҳамда партияниң сайловолди Платформаси лойиҳаси мухокамасига бағишиланган дебат ташкил этди.



шуғулланувчи "Асадов Мансур" кичик корхонаси фаолияти билан таниши. Хунармандчиликнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу тури партия фаоллари катта таассурот қолиди. Кўл меҳнати орқали ясалган маҳсулотлар кўринини, сифати, ранг-баранг, бежирим ва ўзига хослиги билан барчани ҳайратга солди. Оиласиди хунармандлар билан кечган очиқ мулодотда корхонанинг ташкӣлӣ-хукуқий муаммолари ўрганилиб, соҳанинга ривожлантириш нозасидан таклифлари эшиттиди.

ЎзМТДП фаоллари Соҳибқорон Амир Темур ва темурийлар мангу кўним топган мақбара-ни зиёрат қилиб, Ашратхона меморий ёдгорлигин кўздан кечири. Маданий мерос обьектларининг бугунги ҳолати таҳлил қилинди, муаммолар ечи-ми бўйича фикрлашиб олинди. Айниқса, ҳароб ахволга келиб қолган Ашратхонани кечири-масдан таъмирлаш, реставрация қилиш ва консервациялаш зарурлиги таъкидланниб, бу бўйича тегизиши вазирилик, идораларга таклиф ҳамда тавсиялар тайёрлашиши маълум қилинди.

Самарқанд шаҳридан замонавий-электрон бешиклар ишлаб чиқарувчи "Amonov Mebel Tex" корхонасидаги сўнгги технологияларга асосланган ишлаб чиқариш жаҳарни меҳмонларда катта қизикиш ўйотди. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида маҳсулотларнинг экспортга йўналтирилганни ҳамда тадбиркор иш жаҳаренинда энергиядан оқилона фойдаланаётгани ҳар жижатдан кўллаб-куватланди. Бундай иктиносидан тежаккор технологияларни барча тармоқга кенг жорий этиши зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Куннинг иккинчи яримида асосий тадбир — бўлажак сайловга

тайёргарлик кўриши ҳамда партияниң сайловолди Платформаси лойиҳаси мухокамасига бағишиланган дебат бошланди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаси, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкиллари вакиллари, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари, эксперталар, сиёсатчусо олим ва мутахassislar ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Дебатда партияниң бундан 5 йил муқаддам қабул қилинган сайловолди Платформаси тезкор ўзгаришлар жаҳаренига қайдаражада жавоб бермоқда, унга қандай ўзгариш ва қўшимчалар киритиш лозим, партия бугунги сиёсий майдонга қандай тоялар билан чиқиши талааб қилинди

шиддати ва бугунги кун талабига мос ҳолда фаолият кўрсатиши лозим. Табиийки, сиёсий майдонда қўли баланд бўлиш учун партия яга ўзига хос, ҳалқчил, давлат ва жамият фаровонлигига хизмат қуловчи сайловолди

Платформа зарур бўлади.

Дебатда ЎзМТДП мамлакатимизда инвестицион жозибадорлик ва барқарорликни таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувини либералаштириш, инновацион ёндашувларни кўллаб-куватлаша, аъзоларнинг мотивациясини ошириш бўйича қандай амалий таклифларни илгари сурмоқда? Ёшлар тарбияси га аслида ким кўпроқ масъул, бунда сиёсий партияниң позицияси қандай бўлиши керак? Ушбу масалалар партияниң янги



шакллантириш тизими, ҳалқимиз фитратидаги қадриятларни қадрлаш йўлларини кўрсата олмаётгани хусусида танқидий фикрлар билдирилди.

Дебатда ЎзМТДП сайловолди Платформасининг мукаммал бўлишини таъминлаш учун фаоллар, электротаромонидан қатор таклифлар билдирилди. Миллатимизнинг ўзига хослигини сақлашни таъминлаш, хавфиз ахборот макони учун ҳуқуқий асос яратиш,



каби саволларга жавоб изланди, бу борода фикр-мулоҳазалар билдирилди. Партия фаоллари ўзларини қизиқтирган бир қатор саволларни ўтрага ташлади.

ЎзМТДПнинг бундай мақсададан бирни — ҳалқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксатлириш, таълим-тарбияни мустаҳкамлашдан иборат. Айнан шундай эзгу мақсадлар бугун давлатимиз сиёсатининг энг устувор

вазифаси сифатида белgilangan. Чунки бу ўйналища анчайин оқсаб қолганимиз айни ҳақиқат. ЎзМТДП бу жаҳарёnda фаол иштирок этиб, эл назаридан бўлишига, чин маънода ҳалқ ишонган партияга айланшига астойдил ҳаракат қилмоқда. Бунга эришиш учун, аввало, сиёсий партия давр

сайловолди Платформасида акс этгани? Фуқароларнинг сиёсий партияларга бўлган ишончи сусайб турган бир шароитда партия саволчиларни қандай қизиқтира олади? Бу борода аниқ стратегиялар мавжудми каби бир-бираидан долзарб ва кескин саволлар ўтрага ташланди. ЎзМТДП фаолларининг жавоблари тингланди.

Үтган йили партия ташаббуси билан мамлакатимиздаги барча маданий мерос обьекти ҳатоловдан ўтказилди. Муаммо ва камчиликлар юзасидан ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидан Маданий вазирийнинг парламент эшитуви ташкил этиди, кўйи палатанинг қарори қабул қилинди. Аммо соҳадаги камчиликлар ҳали-ҳануз барта-раф этилган ўйқ. Ахлоқсиз ва ёшлар тарбиясига салбий таъсир этивчи ғоялар ижтимоий тармоқларда кенг илдиз отаётган бир пайтда миллий қадриятларимиз химоячиси ҳисобланган ЎзМТДП ушбу масалага жийдий ёндашашётган ўйқ. Фуруримиз бўлган давлат тили, "оммавий маданият"нинг бешафқат ҳамалаларига қарши иммунитетни

ишлаб чиқариш ва бошқарув жаҳарени самарадорлигини ошириш, гендер тенглигини таъминлаш, таълим, илм-фан тараққиёти, инновациян ишланмалар ривожига хизмат қуловчи мустаҳкам платформаларни шакллантиришга қартилган мақсад ва вазифалар партияниң янги дастурда ўз аксими топиши лозимлиги таъкидлаб ўтиди.

Илк бор ўтказилган дебатда ўтрага ташланган саволлар, билдирилган таклифлар асосида ЎзМТДП сайловолди Платформасини янада мукаммаллашириш, бу каби тадбирларни бошқа худудларда ҳам ўтказишга келишиб олинди.

**Р.МАВЛОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири**

Бугунгি тезкор замонда ЎзМТДП фаолиятида ҳам муҳим эҳтиёжи, аҳоли таклифлари ҳисобга олинган ҳолда жойларда дебатлар ташкил этилмоқда, партия фаоллари, эксперт ва мутахасисларнинг таклифлари олинмоқда. Партияниң эшиклари эркин фикрловчилар, хато ва камчиликларни очиқ, ошкора, рўй-рост, холис ва ҳақоний айтадиган, сўз ва фикр эркинлиги тамойилларига тўла амал қиладиганлар учун янада кенроқ очилди.

Көнгайтирилган йигилиш

Аввал хабар берганимиздек, партия ҳудудий кенгашларида шу йилнинг олти ойлик якунлари бўйича кенгайтирилган йигилишилар бўлиб ўтмоқда. Жумлабан, ЎзМТДП Қорақалпогистон Республикаси кенгашининг навбатдаги йигилишида жорий йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, ҳалқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар мұхокама қилинди. Бу бўйича ишлаб чиқилган "Йўл ҳаритаси" ҳамда дастур тўғрисида маълумотлар берилди.

МУДРОҚ КАЙФИЯТДАН ЎЙГОНИНГ, ЭНДИ...

Таъкидланганидек, бугунги кунга келиб, партияниң Қорақалпогистон Республикаси бўйича бошланғич партия ташкилотлари сони 631 тага етди. Ўтган олти ой давомида партия сафира 2 минг 132 аъзо қабул қилинди ва бу борадаги умумий кўрсаткич 18 минг 567 тани ташкил киди.

— "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида ўтган биринчи прим йилликда 73 та бепул ўқув курси ташкил қилинди, — дейди ЎзМТДП Қорақалпогистон Республикаси кенгаши раиси Тоҷибӯй Романов. — Ўқув курсларида 400га яқин ишсиз



Муносабат

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2019 йил 16 апрелда қабул қилган, Сенат 2019 йил 21 июнда маъқуллаған "Туризм тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

Қисқа вақт ичидаги иқтисодиётимизнинг мұхим тармоғига йиғланган туризм соҳасида ҳам бугун сайёхларнинг хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда ҳар куни, ҳар соатда янги талаоб-истаклар пайдо бўляпти. Чунки ҳаёт ўзгармоқда, бугунги шиддатли давр талабларига ҳамоҳанг одамларнинг ҳам эҳтиёжлари эврилишга юз тутмоқда. Шу маънода 20 йил олдин қабул қилинган "Туризм тўғрисида" ги қонунни бугунги кун талабларига мувофиқ қайта кўриб чиқи ҳаётнинг ўтиқр талаби ва зарурати эди, десак, ҳар томонлама тўғти бўлади.

Айни шу ҳаётӣ зарурат бois амалдаги "Туризм тўғрисида" ги қонун тубдан такомиллаштирилиб, янги таҳрирда тайёрланди. Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқида концептуал жижатдан қабул қилинди. Олий Мажлисда соҳа мутахассислари иштирокидаги фракциялар йигилишиларидаги бир неча бор мұхокама қилинди.

Ўзбекистон "Миллий тикланыш" демократик партияси ўз тоғаси ва сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизнинг ҳалқаро имижини шакллантиришда туризмни самарали восита, деб билди ва бу борадаги мажуд қонунчилигимизни такомиллаштиришга алоҳида эътибор

ҚОНУН МУСТАҶКАМЛАНДИ, ФАҚАТ ИЖРО ЭТИЛСА БАС

қаратиб келмоқда. Ҳусусан, янги қонун лойиҳаси бўйича ЎзМТДП фракцияси ҳудудий партия ташкилотлари иштирокида қатор учрашувлар ўтказди. Билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар қонунни тайёрлашда алоҳида эътиборга олинди.

Хўш, янги қонун аввалинни нимаси билан фарқ қиласди?

Ушбу қонундан Президентимизнинг 2018 йил 8 августдаги "Норма ижодкорлиғи фаoliyatiyin takomillashтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ги фармонидан келиб чиқиб, ҳаволаки нормалар чиқариб ташланди, тўғридан-тўғри амал қилувчи моддалар киритилди. Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар қисқартирилиб, қонун лойиҳасининг ўзида акс этирилди. З-моддадаги асосий тушунчалар такомиллаштирилди. Мазкур мoddада "гид (гид-таржимон)", "йўриқчи-йўл бошловчи", "мустақил туризм", "туризм соҳасининг субъектлари", "тур", "туристик вакеъер" каби атамалар таҳрир қилиниб, аниқлаштирилди. Эндилика, туроператорлар ва туралентар турристик фаoliyatiyin ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензияни асосида амалга оширади. Уларга туризм

тиқ фаoliyatiyin амалга ошириш хуқуқи учун лицензия амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади. Бунда экспурсия хизматлари кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркор бўлган жисмоний шахсларга туристик фаoliyatiyin амалга ошириш хуқуқи учун лицензия олиш талаб қилинмайди. Шу билан бирга, ушбу қонунга туристик зоналар, туристик кластерлар алоҳида боб сифатида, янги нормалрга эса экскурсиячилар, гид. йўриқчи-йўлбошловчилар сертификати, туристик маҳсулотларни сотиш ва бошқалар киритилди.

Қонун дастлаб 26 маддадан иборат бўлган бўлса, энди 45 маддага етди. 5 янги боб билан тўлдирилди. Туризм тури бўйича тўртта янги ўйналиш киритилди. Сайёхларга зарурат туғилганда кутқарув ва тезкор хизмат кўрсатиш ҳам янги қонунда ўз аксими топди. Қонунни маромига етказиш мақсадида 15дан ортиқ давлатнинг таҳжиси ўрганилди. Туризмга алоқадор ҳалқаро шартномалар, жумладан, "Ҳалқаро туризм соҳасидаги Манила декларацияси", "Мингйиллик Осака декларацияси" ҳамда ҳалқаро ҳужжатлар — БМТнинг "Бутун жаҳон туризм ташкилотининг

резолюцияси"нинг амалиётда қўлланишига эътибор қаратида.

Ушбу соҳага қаратиб ётган эътибор туфайли юртимизга ташриф буюраётган хорижий сайёхлар сони 2018 йилда 2 миллиондан ортиқ бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 3 миллион кишига етди. Ўтган йили эса 5 миллиондан зиёд саёҳни қабул килдик. 2025 йилгача туристлар сонини 7 миллиондан ошириш, сайёхлик экспортидан келадиган даромади эса 2 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган.

Ҳисоб-китобларга қарандо, сайёхлик экспортидан келадиган даромаддан ташқарири ҳар 12 нафар хорижий

жаатларни ўрганиш натижасида 29 нафар аёл иш билан таъминланди. "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида эса 63 та ўқув курси очилиб, уларда 240 нафар ўғил-қизга қўшимча бепул таълими берилди.

Ҳалқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидағи ЎзМТДП гурухлари томонидан сессияларга жами 27 масала олиб кирилган. Тегишил идора ва ташкилотларга эса 307 депутатлик сўрови юбилиб, ундан 266 таси ижобий ҳал этилган.

Йигилишда партия фаолиятини ри-вожлантириши, дастурли мақсад-вазиғларини бажариш, лойиҳаларини амалга ошириша суткашлари йўл кўйётган Мингбулоқ, Янгиқўрон, Норин, Поп, Учқўрон туманлари партия ташкилотлари раислари, ишгла мусаммисизлик билан қараётган айрим депутатлар кескин тақиқ қилиниб, фаолиятини жонлантириш, "мудроқ қайфият"дан халос бўлиш лозимлиги таъкидланди.

Партия Наманган вилоятининг қонуниннинг навбатдаги кенгайтирилган йигилиши ҳам тақиқий-таҳлилий рұхда кечди.

Бугунги кунда вилоятда ЎзМТДПнинг 16 мингга яқин аъзоси бўлиб, улар 372 та бошланғич партия ташкилоти атрофида жисплашган. Партияниң "Ўйма-ўй" лойиҳаси доирасида "Аёллар қаноти" фаолиятлари раислари, ишгла мусаммисизлик билан қараётган айрим депутатлар кескин тақиқ қилиниб, фаолиятини жонлантириш, "Мудроқ қайфият"дан халос бўлиш лозимлиги таъкидланди.

Партия ташкилотлари материаллари асосида "Milliy tiklanish" мухабири Дилфуз Махкамова тайёрлади



саёҳ 1 янги иш ўрнини яратар экан. Шу жиҳатдан қарандо, ушбу қонун саёҳлик ривожига тўсик бўлаётган айрим муаммава камчиларни ечиш билан бирга, ишсизлик бирор бўлса-да барҳам беради. Шунингдек, янги қонун соҳани жадал ривожлантириш ва бу борадаги инфратизмани жаҳон стандартларига мос равишда такомиллаштиришга хизмат қилди.

Равшан МАҲМУДОВ,
"Milliy tiklanish"
шарҳловчиси





“ТОПГАНИМДАН ЙЎҚОТГАНЛАРИМ КҮП БЎЛДИ”

депутат номзодини
нега навбатдаги
сайловга қўйишни
истамаяпти?

Яккунда партия тадбирларидан би-
рида депутат билан учрашганимизда
унинг навбатдаги сайловга номзодини
кўйиш-кўймаслиги билан қизиқидик.

Депутат оғир хўрсиниб олди-да:

— Э-э, бу лалги сайловга номзо-
димни кўймасам керак. Чарчадим,
энди тинчигина ўз соҳам бўйича ишла-
сам дейман, — деди...

— Ҳазиллашалапсизми, ахир
эл-юрга сизга ўхшаган ҳақиқий
маънода ҳалқни ўйлайдиган, бир
ишини бошлиса охирига етказади-
ган ватаннарвэрлар керак! Қола-
верса, окурганинда ҳамма сизни
билиди, ҳурмат қиласи, номзодин-
гини кўйсангиз бу гал ҳам, албат-
та, ғалаба қозонишингиз аниқ...

— Тўёри, сайловчиларимдан кўнг-
лим тўй. Мажалла фуқаролари номзо-
димни ўз фоиз қўллашига ишонаман.
Аммо шу иккى йил ичда депутат бў-
лип топганимидан йўқотганиларим кўп
бўлди. Кинич бўлса-да мансабимдан
айрилдим, маошим камайиб кетди,
энг ёмони, соғлиғимни йўқотдим.

— Нима, ишхонангизда муаммо
туғилдими?

— Биласиз, “Ўзбекнефтегаз” АЖга
қарашли “Автогазтъминот” МЧЖда
2005 йилдан бўён фоалият кўрсатиб
келаман. Ишимга доимо вижданон
ёндашиб, ҳалол бажарип келганиман.
Айтсан ишномайис, депутат бўлип
салланганимидан бери раҳбарим
билин ҳеч чиқишлоғамаямсан. Депутат-
нинг югар-югуллари кўп: туман Кен-
гаси сессияларида иштирок этиши,
ҳар ҳафта бир марта сайловчилар
билин учрашиши керак, устига-устак,
партия тадбирлари, ҳар хил йигинлар.
Бунинг учун корхона раҳбаридан тез-
тез ижозат олишига тўғри келди. Гоҳо
ишинингиз четга суруб, қабулингизга
келган фуқаро билан гаплашишга
муроҷа бўласиз.

Корхона директори бир неча бор
“жуда чарчаб, ҳориб қолибсиз, шу
депутатлик сизга нима берарди?”, деб
танбеҳ ҳам берди. Охири “пичоқ сук-
ка бориб тақалди”ми, у “депутатлик
фаолиятинг жонимга тедди! Менга се-
нинг депутатлигинг керак эмас, ёш исда
тирасан, ё...”, деб ҳақоратлашгача
борди. Мажлисида масалам кўрилиб,
Мехнат кодексининг 181, 182-банд-
ларини бузган деб “ҳайфсан” билан
“силашди”.

— Наҳот директорингиз “Халқ
депутатлари вилоят, туман ва



**шаҳар Кенгаси депутатининг
мақоми тўхрисида” ги Ўзбекистон
Республикаси қонунидан хабар-
дор бўлмаса?! Сизга депутатлик
фаолиятингиз учун зарур шароит-
ларни яратиб бершига мажбур ва
бу қонундан тасдиқланган. Қола-
верса, бугун ҳалқ вакиллари ҳам
үйма-үй юриб ахоли муаммоларни
урганинда, уларнинг ечимини
топиб, жойида ҳал қилиш чорала-
рини кўриши энг устувор вазифа
сифатида белгиланган-ку?!**

— Ўзбекистон Республикасининг
ушбу қонуни 10-моддасига мувофиқ
хар бир депутатта ўз ваколатларини
монеликсиз ҳамда самарали амалга
ошириши учун шарт-шароити кафо-
датладани, унинг ҳуқуклари, шаъни
ва қадр-киммати муҳофаза қилинади.
Депутаттинг шаъни ва қадр-кимма-
тига тажовуз қилиган шахслар қонунга
мувофиқ маъмурлиги, жинон ёки ўзга
тарзда жавобгар бўладилар. Депутаттинг
хакорат килиш шунингдек, унга нисба-
ттан тухмат қилиши қонунда беглиданган
жавобгарликка сабаб бўлади. Депутат-
лик ваколатларини амалга оширишига
тўқинлик килиш мақсадида депутат-
канака тарзда бўлмасин таъсир кўрса-
тиш ўй қўйилмайди.

Депутат олдидаги ўз вазифаларини
бажармайдиган, унинг ишига тўқин-
лик киладиган, била туриб унга ёлғон-
ахборот берадиган, депутат фаолияти-
нинг кафолатларини бузадиган ман-
садбор шахслар қонун ҳужжатларига
мувофиқ жавобгар бўладилар. Ёки
мазкур қонуннинг 14-моддасига асо-
сан депутат ўз ваколатларини ишлаб
чиқариш ёки хизмат вазифаларидан
ажралмаган холда амалга оширади.
Корхоналар, муассасалар ва ташки-
лотларнинг раҳбарлари депутатни ўз
депутатлик вазифаларини бажаради-
ган вақтда, унинг иш жойини (лаво-
зимини) саклаган холда, ишдан озод
қилишлари шарт, деб ёзиб кўйилган.
Ушбу қонундан кўчирма олиб,

Шу йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят, туман
ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Аввалашларига қарагандо “ўзгача”
йтиши куттилаётган сайловда энди тегадан “шу номзод ўтиши шарт” деган
бўйруқлар бўлмаслигига умид уйғоняпти. Президентимиз айтганидек, шу
пайтгача номзоди сўзсиз “кўллаб-кувватланган” “ҳокимбува”лар ҳам энди
депутатликка кўрсатилмайди.

Ҳали сайлов кампаниясига расман старт берилмаган бўлса-да, лекин
номзодларни саралаш ишлари бошлиб юборилган. Сиёсий партиялар
биринчи навбатда ҳалқ ишончини оқлаган ҳалқ вакиллари — амалдаги
депутатлар номзодини илгари суриши турган гап. Ана шундай муносаб
номзодлардан бири ЎзМТДПдан ҳалқ депутатлари Миробод туман Кенга-
шига 18-Фитрат округидан сайланган депутат Қаҳрамон Каримов-
дир.

раҳбаримизга етказдим,
ЎзМТДП Марказий кенга-
шига ҳам бу ҳақда маълум
қилдим. Улар ҳам “тепа”дан
кимларнидир аралашти-
риб, раҳбаримга кўнги-
роқ килишиб ва “энди
бемалол асосий ишнингиз
билин ҳам, депутатлик
фаолиятингиз билан ҳам
шуғулланаверинг, сизни
конун ҳимоя қиласи”, деб
ишонтиришиди.

Шундан сўнг “энди
кулоғим тинч бўлди”, деб
чучварани ҳом санаған
эканман. Вазият юмаша
ўрнига баттар таранглаш-
ди. Ишхонамда эса “ҳо-
зироқ аризанинги ёзинг,
бизга “тепа”га арз қиладиган
ходим керак эмас”, деб кутиб
олишиди.

Шу куни қон босимим кўтарилиб,
бир ҳафта даволанишга мажбур
бўлдим. Шу орада Фитрат маҳалла-
си расиси, фоаълар келиб ҳолимдан
хабар олиб турди. Шундай бўлса-да,
“энди депутатликдан воз кечаман” деб
қатъий қарорга келдим. Бунга қарши
бўлган маҳалла ахли йигилди, партия
Тошкент шаҳар Кенгашига ҳам боргян
экан. Буни ЎзМТДП раҳбарлари эши-
тиб, яна “ким”ларгадир чиқишиган.

Эртаси куни раҳбари қўнгироқ қи-
либ, тезроқ ишга чиқишимни сўради.

“Энди инсоға келиб қолиб-
ди-ёв”, деган ўйда соғлиғимни тўла
тиклиб-тикламай ишга ҳам чиқдим.
“Майли, ҳоҳлаган пайтингизда ҳалқ

чиқдим. Фуқароларнинг 500га яқин
муаммосига ечим топдим. Шу кунга
қадар жами бу ҳақда маълум
қилдим ва барча мурожаатлар
ижобий ҳал этилди, 38 нафар фуқаро-
ни ишга жойлаштиридим. Бунинг учун
давлат идоралари эшигини бир неча
бор тақиллатида тўғри келди.

Эшитган чиқарис, фаолиятизим да-
вомида депутатлик сўровларига ҳамма
идора ҳам белгиланган муддатда жа-
воб бермаслиги учраб туради. Берга-
ни ҳам ваъдасини вактида ёки умуман
бажармайди. Масалан, маҳалла
ишиш юрган беш йигитни “Тошкент
сити” курилишига ишга жойлаштириш
учун кариб иккى ой юргурдим. Лекин
фойдаси бўлмади...

Сўнгсўз ўрнида айтиши жоиз, бу-
гунда депутатнинг иш кабинетида
эмас, ҳалқ ичидаги кўпроқ бўлиши жуда
муҳим. Шунинг учун ҳам Президенти-
зим партия ва депутатларга янада
кўпроқ ҳуқуқ ва эркинлик беришига
ҳарқат қилияпти. Чунки ҳалқ вак-
илларига айрим вазирик ва давлат
идоралари, маҳаллий ҳокимликлар
томонидан баъзан ошкора, баъзан
хуфёни тарзда асоссиз қаршиликлар
ҳамон давом этагни.

Айбатта, биз ҳам ахоли муро-
жаатларидан келиб чиқиб ёзилган
депутатлик сўровларига ўз вактида
ва амалий жавоб қайтарилишини
хоҳлаймиз. Ҳокимият вакиллари,
идоралор раҳбарлари ҳам депутат-
ларга яхши муносабатда бўлдив,
хушиумоалалик билан кутуб олиб,
муаммоларни бамаслаҳат ҳал қилиш



дарди билан шуғулланаверинг, фақат
қачон, қаерга кетаётганингизни мен
бўйай”, деб корхонамиз раҳбари
мулоим оҳангда. Аммо мени бўйим
бошлиғи лавозимидан бўшатиган, бош-
мутахассисликка тушириб бўлган эди,
ўз-ўзидан маошин ҳам камайди.

Мактамночи эмасману, депутатлик
фаолияти давомида уйма-үй юриб,
жами мингдан ортиқ хонадонга кириб

чораларини кўришини истаймиз. Чунки,
ҳалқ давлат идораларига эмас, давлат
идоралор ҳалқа хизмат қилиши лозим.
Бу ўя остидағи саъй-ҳаракатлар ма-
шакъатлар билан амалга оширилётган
бўлса-да, албатта тез орада ҳақиқий
ижросини топади, деб ишонамиз.

“Milliy tiklanish” мухбири
Равшан МАҲМУДОВ сұхбатлашди

“ХУРМАЧА ТАВСИЯ” ЛАР

томурқага буйруқ
беріб бўладими?

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Аён бўлишича, амалдор айтаётган “қабристон” қишида кўмилган токлар экан...

Яқинда худудларда томорқалардан фойдаланиш ҳволини ўргангани келган яна бир амалдор мутлақо утилаган таклифни илгари суребди.

— Ҳаммасини кўйинглар, — дебди у. — Энг аввал маҳалла раисинига борайлик-чи, томорқадан қандай фойдаланар экан?

Кутилмаган бу таклифдан бошқалар довдираф қолгандир эҳтимол, ҳарнечук раис ўзини хурмат қиласидан экан, “катталар” олдида уялб қолмабди. Ҳовли тўлдириб экилган исмало бу йилги ёғин-сочиндан роса бўй чўзиб, тизза баравар бўллиб кетибди. Юқоридан келган масъулнинг эса негадир ҳеч қовоғи очилмасмиш. “Нима учун ҳовлини ўт босиб ётиди, шуми томорқадан унумли фойдаланиш?” дебди норози оҳонда. “Қанақа ўт, исмалоқ-ку бу...” тушунтишиби унига. “Исмалоқ? Нима ў?..” дермиш томорқа бўйича масъул...

Хулас, ана шундай гаплар. Бир қарашда тўқимадай кўринган бу воқеалар, афуски, айни ҳақиқат. Аслида худуд ҳақида айтарли билим ва тасаввурга эга бўлмаганларнинг ақл ўргатишига ўрганинг ҳам кетганимиз. Айниқса, томорқа масаласида.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда аҳолининг томорқадан унумли фойдаланишига қаратилган тарғиботлар авж олди. Қаерга нима экиш керак, нима экса, даромад мўл бўлиши хусусида, кўчага чиқмай ҳовлининг ўзидан миллионлаб даромад қиласиданлар ҳақида лавҳалар тайёрланиши, зарур тавсиялар берилса бошланди. Аслида ҳам тўғрида, томорқадан мўймад даромади бўлиш имкони бўйса-ю, нега ундан фойдаланаслиқ керак!?

Чамаси кимдир бу тавсияларга азбаройи берилб кетган чоғи, кейинги пайтда баъзи тавсиялар “хурмача”дан сал ортиб кетаётгани ҳам бор гап.

Кўрағимиз, эшиталимиз жойларда беда, маккажӯҳо-ри экилган майдонларни ағдаришиб, картошка-пиеёз, помидор этираётгандарни. Шундай қилинса, томорқадан унумли фойдаланилаётган бўларкан...

Хўш, киши фалон сўмга уруғ олиб нега томорқасига беда экади? Мехнати кам, дебми? Ё қишин-эзин яшнаб тургани учунни? Унисиям, бунисиям бўлиши мумкин, бироқ, одатда, кўпчилик чорвага озука бўлсин, деган умидда топган ерига уруғ соади. Бунинг қадри, айниқса, ўтган йили бир кўчоқ сомоннинг нархи осмонга сапчиб кетганида билинди.

Энди бир ўйлаб кўрайлик. Бир одам 5-6 бор чорва парваришлаб, шунга кетадиган ем-ҳашакни томорқасига экилган макка-беданинг ҳисобидан қоплади. Ҳар чорваси 5 миллиондан сотилиш, 30 миллион сўм нақд дегани. Шундай экан, бу одамни томорқадан унумли фойдаланмайти, деб бўладими? Деса бўларкан. Масъуллар наздида эса бундай одам томорқани ўз ҳолига ташлаб кўйган саналаркан.

Шу жойда хонаки ҳисоб-китоб қилиб кўрсан. Мисол


учун, 4-5 сотих келадиган ҳовлини тўлдириб, картошка экилса, оз эмас, кўп эмас, 1 тонна ҳосил беради, шу кечча-кундузда бу 2 миллион сўмга тенг бўлади. Борингки, ана 5 тонна картошка бўлса ҳам унинг пули 10 миллион сўмга етади. Ёки помидор. Мавсумда минг сўмдан 5 тонна сотилганда ҳам 5 миллион сўм фойда бўлади.

Тўгри, дехқончиликнинг устаси бўлган томорқачилар ердан бир йилда бир неча марта ҳосил кўтариб, даромад чўйини ошираётгандари ҳам айни ҳақиқат. Бироқ беш қўй баравар бўлмаганидек, ҳаммаям уста томорқани эмас. Киммингдир кўли чорвага келишади, кимдир парранданинг бутун сир-аскорини эгаллаган, яна бирор иссиқхонанинг удасидан чиқади...

Шундай экан, ҳаммага бир хил талаб кўймай, имконияти ва хоҳишига кўра томорқадан фойдаланиш тавсия этилган тўғри эмасми?

Биз-чи? Йиллар давомида кўй-хўқиз боқиб, рўзгор табрратани учун томорқасига беда, маккажӯҳори эккан кишининг яшнаб турган ерини мажбуран ағдартириб, унга пиёз, помидор экшиши шартлигини айтамиш. Қани бу ерда мантиқ? Умрида дехқончилик билан истойдил шуғулланмаган одам сабзавот экиб, бойиб кетиши мумкини ўзи?

Ёки ҳовлида 10 туп ёнғоқ кўчати экишни олайлик. Унинг ҳар бири 10 метр радиусда жой олса, бунча дарахта 100 квадрат метр ер керак бўлади. Шунча жойга ёнғоқ экилса, қаерда дехқончилик қилиш мумкин? Мевали дарахт ўстирмаслик керак, деган фикрдан йироқмиз, бироқ буни ҳаммага шарт қилиб кўймаган маъкул. Кимдир ёнғоқ экшишининг ҳадисини олганми, майли, экаверсин. Фойдасини кўрсин. Ва унга сабзавот экиш талашибини кўймайлик.



Яна бир жиҳати, ҳозир бир килограмм гўшт 40 минг сўмнинг нари-берисида бўлса, бир килограмм сабзавот ўртacha 3-4 минг сўм. Сабзавотдан олинадиган 100-200 килограмм ҳосил пулини чорва учун озуқага сарфласак ҳанча ҳашак беради? Чорвадор оиласа рўзгор унун сабзавот сотиб олиш арzonга тушадими ёки молига ҳашак сотиб олиш? Ваҳоланки, истеъмол учун гўшт ҳам керак, сабзавот ҳам.

Телевизорда эса томорқадан фойдаланмайтган “тандал” томорқачилар ҳақида кўрсатувларни кўрамиз, энг қизиги, уларнинг ҳовлида дуруст экин-тиқин қилмагани танқид қилинади-ю, сал нарида кўриниб турган 3-4 бос қорамоли ҳақида лом-мим дейлимайди.

Бу ерда масаланинг қонуний томони ҳам борки, унга ҳам аниқлик киритилиши керак. Яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги фармони ҳамда ўша йил 10 октябрдаги қарорида томорқадан унумли фойдаланилмагандага жарима кўлла-ниши кўрсатиб ўтилган.

Суратдаги кўраётганинг — тегишли ишчи гурух томонидан томорқада етиширилиши таклиф қилинган экинлар ҳақидаги маълумотнома. Унга кўра, ҳар бир томорқада эртаки экинлар — пиёз, картошка, сабзи, помидор, кўкат, бодринг, редиска, кулупнай; ўртапишар — булғор қалампири, сабзи, помидор, бодринг, бақлажон; тўқсонбости — пиёз, саримсок, исмалоқ, кўкат экилиши, шу билан бир қаторда, мевали дарахтлар — гилос, олма, нок, шафтоли, хурмо, ўрик, анжир, беҳзи-ю ҳоказолар бўлиши, сиғир-бузузғо эчки-кўй, товук, күён ва улар учун озуқа экинлари экилиши зарур экан. Ана шулар таъминланмаса, томорқа эгаси жаримага тортиларкан...

Шу ўринда бир савол туғилади: томорқа эгаси шу экинларни экмагану, кўлидан келадиган ишга кўл уриб қўйган: чорва боқиб, 20-25 миллион сўм даромад килган. Хўш, уни ҳам жаримага тортамизми? Ахир у “ўзбошималик” кўйлан, томорқани “уз ҳолига” ташлаб қўйган-ку... Солиқка тортадиганлар ҳовлига хўжакўрсинга ё жарима тўлашдан кўркиб номига экилган помидор-бодрингта қараидими ёки олинадиган фойдага!?

Томорқасида на чорва, на экин-тиқин қилмагандарнинг эса ёнини олмоқчи эмасми.

Албатта, ҳаммаям ҳовлисида шунча нарса бўлишини хоҳлади. Буларнинг барини уддалаган одам эса камиди миллиардер бўллиб кетади. Бироқ 5-10 сотих томорқа ортидан миллиардерга айланган одамни ҳали кўрганимиз йўғу, аравасини тортиб юрганлар бор.

Шундай экан, “юқори”дан келаётган тавсияларда талаб тўғри қўйилиши, дехқон чорва боқишига, чорвадор сабзавот экишга ундалмаслиги даркор. Томорқадан фойдаланиш маданиятига шу тарика ёндашак, ҳаммаси жойига тушиб кетади. Мана кўрасиз...

Бекзод САЙФИЕВ,
журналист



“СИЁСИЙ АМБИЦИЯСИ ЙҮК, ХОКИМИЯТГА ИНТИЛАМАЙДИГАН”

партиялардан халқнинг ҳафсаласи аллақачон пир бўлган”

Бугун демократик қарашлар мустаҳкаманаётган бир даврда жамоатчилик назорати, журналистлар ушбу саъй-ҳаракатнинг асосларидан бури сифатида иштирок этиши назарда тутилмоқда. Сўнгги йилларда жамиятимиз тараққиётининг янги босқичига кўтарилил, муаммолар рўй-рост, очик-ойдин айтила бошланди. Бундай сўз эркинлигининг шабадалари, дастлаб, Интернет сайtlари, турли ижтимоий тармоқларда бошланди. Ушбу жараёнда ўзининг ўткир қарашлари, кескин фикрлари билан омма

эътиборини тортган, кези келса кенг миқёсдаги муаммоларга ечим топилишига турткни бўлган шахс — блогерлар майдонга келди.

“Миллий тикланиш” газетаси фаолиятини янги қиёфа, шакл ва мазмунда давом эттирадар экан, ўз саҳифаларидан ана шундай мустақил ва эрkin фикрлайдиган блогерларга кенг ўрин беринга қарор қилди. Бу янги лойиҳа давомий тус олиб, газетамизниң ҳар бир сонида блогерларнинг бугунги долзарб мавзулар юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари эълон қилиб борилади.



Шахноза СОАТОВА,
блогер:

— Очиги, умрида бирор партия билан мулоқот қилмаган ва уларнинг мавжудлигини сезмаган инсон сифатида бу саволга жавоб беришни қишин. Яъни унди килиш керак, бундай қилиш керак, деган фикрдан йироқдаман. Аммо онги бир инсон сифатида сиёсий партияларимиз демократик давлатларнинг партиялари каби жонли, ўзаро рақиб ва ҳокимиюятга интилувчан бўлишини истайман. Сиёсий амбицияси йўқ, ҳокимиюятга интилайдиган, ўзини “майсадан паст, сувдан тинч” тутадиган партиялардан халқнинг ҳафсаласи аллақачон пир бўлган, уларга кўл силтаб кўяқолган. Халқ кўллаб-куватладиган ва ишонмайдиган сиёсий партия номинал тузила бўлиб қолади, холос. Уларнинг функционаллиги айнан сиёсий

жараёнларда фаол иштирок этиши ва шу орқали ислоҳотларни жадаллаштиришида кўринади.

Яқинда бир қанча сиёсий партия лидери ўзгарди, партиялар ўз таркибига иктиномий фаол инсонларни жалб эта бошлиди, оммага очилди, мураккаб саволларга жавоб излашга интиляпти — хуллас, ҳаракатлар сезилияпти. Аммо ўйлашимча, бу кам. Янада жадалроқ, фаолроқ, бўлиш керак. Ўзаро дебатлар, танқидлар, бир-бирини назорат килиш, том маънода ўзаро мухолиф бўлиш керак. Шундагина сиёсий партиялар ўзаро назорат ва тийиб туриш функциясидан фойдаланиб очиклик, шаффофликни таъминлади, шундагина ўсшиб булади.

Бир сўз билан айтганда, партиялар сиёсий майдонда турғанларини унумасликлари, фолиятини чинакам, очик, ҳалол сиёсатнинг барча қоидаларига риоя этган ҳолда олиб бориши керак.

Лойиҳанинг дастлабки иштирокчиларига қўйида-гича савол билан мурожаат қилдик:

замон янгича, устига-устак депутатлар сайлови ҳам яқин, шундай шароитда сиёсий партиялар қандай фаолият юритиши керак? Сиз уларнинг қандай бўлишини истар эдингиз?



Азиза КУРБОНОВА,
блогер:

ўзгаришларни тезда сезмайди. Одамлар энг камида янги парламент орқали ижро ҳокимиютини саволга тутишини истайди. Энди Ўзбекистон фуқаролари ҳам оддий эмас, улар талабчан. Халқ ноиблари ижро ҳокимиютини муайян нутқатларда халқга ён босишига кўнистира оладиган, ҳисобдорликдан ҳайқадиган ва тийитирадиган даражада укувли, дипломат ва билими бўлиши керак.

“Миллий тикланиш” байроғи остида бирлашгаётланар ҳам нафқат гуманитар фанлар билимдони, балки етарли иқтисодий билимга эга бўлиши фойдадан ҳоли эмас. Партиялар номзодлар рўйхатини тузётгандан мана шу жиҳатлар инобатга олинини истардим. Партия раҳбари Алишер Қодиров баёнотида тақрор айтганидек, “олдин сифатли овқат, кейин бошқа масалалар”, яъни олдин иқтисодиёт, кейин сиёсат.

Очиқ айтаман, аввали сайловларда кечгача тасвирга олиш ишлари билан банд бўлиб, ўз сайлов участкамга ҳам бора олмагандим. Қанчалик уят бўлмасин, ҳалигача ўз депутатимни танимайман. Буни аниқлаш осонку-я, лекин ҳаммага ўшаб “менга бундан нима фойда?” деган ярашикли ва ярашиксиз баҳонам бор. Лекин бу сафар бошқача бўлишини истайман ва ўзим ҳам

энди сайлов кампанияси ишини кузатиб бормоқчиман, учрашувларда қатнашмоқчиман.

Парламентда аёллар овозининг кўпроқ бўлишини истайман. Чунки аёллар халқнинг дардини чукур хис қиласи. Буни давлат раҳбари ҳам таъкидлади.

Ўтган ҳафта Вашингтонда Капитолий олдида бўлдим. Бу ерда одамлар сиёсий фаол эканлигини ўз кўзим билан кўрдим. Бўйнида ўёки бу штатдан сайланган Вакиллар палатаси ёзоси ёки сенаторнинг ҷақириқларини осиб олган. Эҳтимол, ҳақ эвазига қиласи?

Конгресс икки палатадан Вакиллар палатаси ве Сенатдан иборат. Вакиллар палатасининг 435 нафар аёзоси ёр 2 йилда сайланади. Ҳар бир штатдан икки нафардан сенатор б 6 йилга сайланади, лекин уларнинг учдан бир қисми ҳар икки йилда бир марта ротация кўринишида қайта сайланishi шарт. Улар мана шундай рақобат шароитида ишлади.

Албатта, бизда бошқа қонун, бошқа мұхит ва бошқа қоидалар ишлади. Лекин сайлововолди жарайёнлар, кампанияларни ташкил килишда таъсирчан воситаларни ўрганишимиз албатта, шарт.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
тайёрлади.





Аҳоли турмуш тарзи, маданияти, урф-одатлари ҳақида ҳолис тасаввур, аевало, бозорларда шаклланади. Юртимизда бундай масакнларни обод қилиши, сотувчи ва харидорларга қулаілек яратыши борасыда көнг күләмли ишлар олиб борилмоқда...

Сүңгү вакытда ижтимоий тармоқларда көптөм мұхажамаларға сабаб бўлаётган вазиятни ўрганини мақсадида "Кўйлиқ

дебхон бозори" расталарини оралаб, у ердаги сотувчи аёллар билан яқиндан танишиб, фикр-мулоҳазаларини қотозга туширади.

Аевало, шунни айтиб ўтиши керакки, бозорнинг ичкарисида ҳам, ташкарисида ҳам фаoliyят юритаётган савдоғарларининг 60-70 фоизини аёллар ташкил қилмоқда (ҳатто шундай расталар ҳам борки, у ердан эркак зотини тополмай-

сиз). Шунинг ўзи ҳам масала нечоғлик мұхым эканлыгини күрсатади. "Бозорчи" аёллар билан гаплашар эканмиз, баъзилари құмтенин, баъзилари хавотирда, баъзилари ҳайрон бўлиб, "фикримиз нима учун керак", дег сўрашиди.

Эттироф этиш керакки, "бозорчи" аёлларининг дарди, ўзлари күттарған катта юклардан ҳам оғирроқ. Ҳар бирининг ўз дүнекарииши, фикри бор. Баъзи аёлларининг

кўйида Тоҳир Маликнинг сайданниси, баъзиларида диний китобларни кўрдик. Фикрлаш даражаси ҳам ўқимиши, олий маълумотли аёллардан қолишмайди. Мұхими, замон билан ҳамнағас. Фақат тирикчилни важи баъзи аёлларни бироз қийнаб кўйган, баъзилари ҳатто ёл — нозик ҳилқат вакили эканини унтишига мажбур бўлганга ўхшиайди.

Уларнинг фикрлари билан танишамиз.

"БОЗОРЧИ" АЁЛЛАР НИМА ДЕЙДИ?..

Умида ИСМОИЛОВА:

— Асли Олтиариқданман. Маълумотим ўтра махсус. Олдин бир ташкилотда ҳисобчи бўлиб ишлаганинан. Иккى фарзандим шартнома асосида ўқишига киргандан кейин бозорга чиқишига мажбур бўлдим. Чунки ойлигим уларнинг шартнома пулинин тўлашга етмас эди. Бозорга чиқиб савдо қилаётганинга бир ярим йил бўялпти.

Бозорларда қулаі, эмин-эркин савдо қилишимиз учун барча шароит яратилган. Лекин шундай бўлса-да, бозор иши осон эмас: тонг саҳардан турб, улгуржик бозорга бориш, "эпчиллик" билан мол олиш керак. Савдонинг ҳам ўз сир-асрорлари бор. Турли одам билан мумала қилишига тўғри келади. Қолаверса, ёзниң жазирамасида қуёш нури тифи остида савдо қилишнинг ўзи бўлмайди. Махсулотларни тезроқ сотмаса, айниб қолиши мумкин.

Бўш вақтимда газета-журнал ўқишидан. Дунён хабарларидан воқиғ бўлиш учун Интернетдаги янгиликлар сайтига кираман...

Зиёда МУХИДДИНОВА:

— Бозорда савдо қилаётганинга ўн беш йилдан ошиди. Онам ҳам бозорда савдоғар бўлган. Фарзандларим юкори синфда ўқиди. Уларнинг репетиторига пул топишим керак. Ҳозир ўкув курслари нархи анча баланд. Бироқ бавзан бозор билан бўлиб, уларнинг тарбиясига доим ҳам вакт ажратолмаётганинга ачиниб кетаман. Лекин келажакда улардан умидим катта.

Охирги ўқиётган китобим, мана кўриб турганингиздек, — Тоҳир Маликнинг "Танланган асарлари". Радиоузелдан шеър ва ҳадислардан намуналар эшияттирилиши борасидаги фикрга унчалик қўшилмайман. Чунки бу мижоз билан мuloқot қилишимизга ҳалакит беради. Лекин ишдан сўнг "бозорчи" аёллар учун ҳафтада бир марта бўлса ҳам маданий хордик, маънавий-майрифий тадбирлар ташкил этилса, кўнгиладигек иш бўларди. Бу ҳам бироз бўлса-да турмуш ташвишларидан чалғитишига хизмат қиласди....

Улибека НУРЛИБЕКОВА:

— Халқимизда ўзганинг ҳақига хиенат қиласлик, савдоҳа ҳалоллик мезонларини бузмаслик ва энг мұхими, истеъмолчилар манфаатлари олий қадрият сифатида эъзолаланиб келинган.

Ўзимга келса, бозорда ишлаётганинга йигирима йилдан ошган бўлса, турфа одам ва турли ҳолатга дуч келдим. Бозор ўёғи кўпари майдонига ўшҳайди. Улок кимга насиб қиласа, ўша ютади. Шу ҳолат ҳам аёлларни ўз ҳақини айриб олишига, баъзан юзини сидириб, "бётгачопар" бўлишга мажбур қилмоқда. Лекин беш кўл баробар эмас. Ўзбек аёлларидан андиша кучли. Кимнидир билмасдан хафа қилиб қўйса, кейин кечирим сўраши ҳам билади.

"Бозорчи" аёлларининг маънавиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фикрларга қўшиламан. Мумтоз ашулаларимиз, Зулфияхоним шеърлари радиоузел орқали бутун бозор бўйлаб таралиб турса, албатта, жон деб тинглаган бўлардим.

Фикрлар турли-туман. Савдоғар аёллар билан гаплашса турб шуни билдики, қалби олийжаноблик, аёллик иффати, иймон, вижон, меҳр тушунчаларига лиммо-лим. Бироқ турмушнинг оғир чигирикли, юрагидаги бу жавоҳирларни яшишига мажбур қилгани яққол кўрнишиб турибди.


Мутасадилар бу аёлларнинг дардини эшишиши, уларнинг муаммоларига ечим топиши, руҳий-психологик ёрдам кўрсатишини истаган бўлар эдик. Ахир шоурларимиз, аёлни гулга ўхшатишган. Азар у ётмаборсиз қолса, нафақат сўлиб қолиши, балки чақириқанакка айланниши мүкаррар.

Лобар ХАЙРУЛЛАЕВА,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази
тарғиботчи

РЕКЛАМА

QOB | 25 йил
QISHLOQQURILISHBANK

миллий
валютадаги
муддатли
"Юбилей"
омонатини
таклиф этади.



Омонатга маблағлар:

- 2019 йилнинг 2 августигача;
- 25 ойга қабул қилинади.

Омонатнинг юқори миқдори — 25 000 000 сўм.

Омонат фоизи — йиллик 22 %.
Хисбланган фоиз тўловлар ҳар ойда амалга оширилади.

"Қишлоқ Курилиш банк" — фаровон ҳаётингиз хизматида!



КУЛФНИНГ КАЛИГИ ТОПИЛМАЯПТИ ЁКИ КАЛИГ КУЛФА ТУШМАЯПТИ

ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА НАҚАДАР МОС ВА ХОС?

Одамнинг бир кунда "таникли" бўлиб қолиши ёки айтмайлик, "эл оғзи-га тушиши" учун бугун жуда кўп нарса керак эмас: ё ажralиши учун ариза бериш ёки ақл бовар қўлмайдиган бир бемазагарчилук — ўғриликми, туғиб боласини машалаб кетиши, ҳеч курса, йўлтўсарлик қилишининг ўзи етарли. Шунда сен билан ҳамма қизиқади, телевизорга чиқасан, изингдан раислар юриб, штимос қиласди. Шу боис ҳам биз қайнона-келин мажароси, яна-да аниқроқ қилиб айтганда, ажralишилар ҳақидаги бир-бираидан эҳтиюсли, "теша тегмаган" олди-қочдиларга бой кўрса-тувларга эътибор қаратадиган бўлиб қолдик. Одам зотининг шунчалик обгор ҳолга келганини кўриши кимгадир завқи, яна ким учундир алами. Наҳотки, бой айнаналарга эга бўлган, ўтмиши билан оғиз тўйлдириб мактабадиган ўзбек ҳалқи шундай ҳолга тушиди? Ахир бизнинг қадриятларимизда уйдаги гап кўчига чиқиши уят ҳисобланган-ку! Осмон узилиб тушганда ҳам ҳар қандай муаммо оила даврасида, нари борса қариндошлар иштирокида ҳал қилинган-ку? Майли, кимнинедир бамашни оиласи ёки дардини тинглайдиган яқинлари ўйқ ҳам дейлик, оммо шундай "кўрсатув"ларнинг таъсири нечоғлик бўлаяпти? Дунёни бошга кўтариб, эфир орқали айюҳаннос солиши жараёнга қандай таъсири қиласяпти?..



мойиш қилингач ёки шундай гап бўлгач, бирдан "сергак тортиб": "бекор ўзимни қийнаб юрган эканман, бошқалар қайнонасини урад экан ҳам" деган хуласага бормайдими?

Шу ўринда ўша қайроқдек савол кўндалан бўлади: ҳўш, унақада, масаланинг ечими қаерда? Албатта, дабдурустдан жоиз жавоб бериш қийин, аммо неча йиллардан бўён синовдан ўтган қадриятларимизга мурожат қилиш мушкулни осонлашиди, деб ўйлаймиз.

"Ҳўш (яна), ота-бобаларимиз шу ўринда қандай йўл тутган, умуман, ажralишиларга муносабат қандай бўлган?". Дангал гап шуки, бундай ҳолат айни фожия сифатида қабул қилинган. Ахир, мұқаддас китобимизда никоҳ бўзилса, арши-абло ҳам титроққа тушади, деб бехудага айтмаган-да.

Оила бузилишини "уй синган", ҳатто "уй кўйтан" каби иборалар билан аташган. Ниҳоидан ажralган эркак ҳам, аёл ҳам жамиятда бутунлай мавқеини йўқотган, унга юқумли касалга қарандек, кўчка-кўйда дуч келиб қолса, четга туфлаб, "ўзидан келган бало ўзи билан кетсан" дега тазарру бидирishган. Тўй-мәвракаларда уларга хизмат ҳам буюримаган, хусусан, никоҳ бузилган аёлнинг пойи-қадами янги тушаётган келининг ўрин-кўрпасига тегисига йўл қўйимаган, ҳатто хонасига кириши мумкин бўлмаган.

Никоҳ мұқаддаслигини таъминлаш учун баззан шафқатсиз чоралар кўрилганини ҳам тарих инкор этмайди (масалан, томонларга жуда катта жарима ёки тан жазоси кўллаш сингари). Бундай ҳоллар жамиятнинг амал қилиши лозим бўлган тартиблари ҳисобланган ва ҳамма шу руҳда тарбияланган. Шунингдек, ойларнинг бузилиб кетишига сабабчи бўлган кишилар ҳам шафқатсиз лаънатланган, яни, бундай ҳолат етарилича баҳосини олган ва шу туфайли ҳам ажralишилар деярли учрамаган.

Шу ўринда "бундай ҳолларда инсон ҳуқуқлари чекланмайдими? Тумрӯш дўзаха айлануб қолмайдими?" деган

ҳақли савол пайдо бўлиши мумкин. Ўринни мулоҳаза.

Замонавий тараққиётда эркак-аёл тенглиги (уни халқаро категория сифатида "Гендер муносабатлари" деб ном ҳам қўйиб олишган) оила ҳуқуқи, даҳлизилиги, шахсий эркинлик сингари мөъёллар кафолатланган, ҳатто бу масалалар билан шуғулланадиган йирик тузилмалар пайдо бўлган. (Шу ўринда бир гап: бундай халқаро мөъёлларни кўллашда миллий руҳиятдан келиб чиқиб ёндашган маъкул, негаки, ўша тартибларни қоида сифатида киритиб кўйганилар камиди бошқа дин вакиллари, ҳатто "Европача эркин ахлоқ"ни тарғиб қилувчилардир).

Юқоридаги саволга жавоб қайтариш учун масалалан чигаллаштирайм, энг жун йўлдан борайлик. Аввало, оила эркин, иккى томоннинг бутунлай розилиги билан пайдо бўлишини ёдда тутайлик. Демак, ишкан юзага келдими, бу иккى томоннинг муаммоси. Энди масаланинг мөҳиятини учинчи тарафнинг аралашви ташкил қиласди; бу жараён фойдага ишлайдими, зарапра? Гап шунда. Муаммонинг илдизини ана шу нуқтадан излаш лозим. Учинчи тараф аралашдими, демак, у ойланинг ички сири доирасидан чиқиб, ижтимоий мөҳият касб эти, энди масалалар ечим топиши шарт, бўлмас, аралашмаган маъқоб.

Аслида, кўлпарнинг бошини қотириб келаётган муаммонинг қалити шу жойда. Бу ташкил томондан қараганда унчалик ҳам қийин юмуш эмасдек тү通俗. Иккى томон аразини оркага ташлаб, келишиб кетса бўлди. Уни кўпиртириш, экранга олиб чиқиб, тўғраклар ташкил қилиб, "сарита келин"лар тайёрлаш ҳам шарт эмас, бу ўйлаб топилган эрмакларга ҳожат ҳам қолмайди. Афуски, шундай бўлмаган. Бу айтишагина осон. Балки "жамоатчилик аралашви" масалалан чигаллаштириб ибораттандир. Ёки "Эру хотиннинг уруши — дока рўмолининг куриши" деган мақоллар эскирдими?

Масаланинг жўнлигига бир мисол.

Яқин танишимиз, оила борасида анча консерватив қараашга эга зиёли киши ўз бошидан ўтган бир воқеани айтиб берганди. "Илмдаги устозим кенжек ўғлига қизимни сўради. Ёшлар ҳам келишиб қўйган экан, тўй ҳам бўлди. Янги оила яхши яшаб кетди, фарзандли ҳам бўлишиди. Набиримиз икки ўшга тўлмасдан устоз ҳам бандали қилиб кетди (афуски, хотини анча оддин дунёни тарқ этганди).

Нима бўлди-ю, бир куни қизим тап тортмай хуруримга кириб, "ота, ажralаман, жонимга тегиб кетди" дейди, кўз ёшини тия олмай увиллаб йилгайди. Устимдан совуқ сув қўйғандек сеска-ниб кетдим. "Қизим, сен мени тириклий ўлдирмокчимисан", десам ҳам кўнмайди, "ўртада фарзандинг бор", десам, "ўзим боқаман", дейди. Хуллас, у десам, бу дейди, ҳеч муросага келадиган эмас. "Кечаги бир парча эт, менга шунча даҳмаза олиб келадими?" деб ўйладим-да, кўзимни чирт юмб, мен сени қайтиб келмас қилиб узаттаниман, ўша даргоҳдан ўлиғинг чиқади", деб юбордим. Кўёвни чақиририб, гаплашдим-да, бирга ўйига жунатдим. Онаси хабарлашиб турди. Бир-иккى кун тупроқлаб юриди. Йўқ, Ҳудога шукур, яшаб кетишиди. Ҳозир учта фарзанди бор, оила тинч".

Қаранг, ҳаёт мана бундай хусусий, "ноилмий" ёндашувларни ҳам оқлади. Аслида, бундай йўл ҳам қадриятларимизнинг исботланган усули. Доим ҳам панд-насиҳат, гап кувшишлар иш беравермаслиги айни ҳақиқат.


(Давоми келгуси сонда)

Хаким
САТТОРИЙ,
Ўзбекистон
Ҷузувчи
уюшмаси
аъзоси



ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

СИФАТИНИ ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИШ КЕРАК



Сўнгги йилларда мамлакатимизда илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириши, илм-фан ютуқлари, инновациянишламалари ишлаб чиқаришга кенг татбиқ қилиши, ижтимоий-иктисодий ривожланиши, жамиятни ҳар жиҳатдан янгилашда фаннинг ролини кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки таълим ва фанни ривожлантиришмасдан туриб кўзланган маррага эришиши, илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олишининг иложи йўқ...

Тўғри, ўзбек фанининг ютуқ ва камчиликларини, бунгунги ҳолатини белгилаб берган омиллар орасида совет тузуми, унинг сўнгига даврида юзага келган инкизорнинг ҳам роли бор. Аммо замонавий ривожланнишнинг жадал суръатларини инобатга олсан, ўтган қарийб ўтиз йиллик давр милий фан ўз йўлуни белгилаб олиши учун етарли мухлат эди.

Масалан, Жанубий Кореяда XX асрнинг 50-йиллари саводсизлини тутагиши бўйича тадбирлар бошланди ва 1960 йилга келиб корейслар оммавий саводли бўлди. Орадан йигирма йил ўтиб эса ушбу мамлакат юксак иктиносидий ютуқларга эришиди, замонавий фан ва қудратли саноатни яратди. Шундан сўнг бу ерда саноатлаштиришнинг янада юкори боскичига ўтиш учун ҳаракат бошланди, фан ютуқлари ва илгор технологияларга асосланган соҳалар ривожлантирилди. Янги технологияларни яратувчи ишлаб чиқариш ва технологик парлар ташкил қилинди. Хуласа, Жанубий Корея бир авлод кўз ўнгидаги қолоқ агарар мамлакатдан фан ва замонавий технологиялар юксак ривожланган дунёнинг етакчи мамлакатларидан бирiga айланди...

Шундан келиб чиқиб, биз дуриганинг бугунгу муммомларнинг аксарияти мустақилликнинг дастлабки чорак асири давомида тандаган йўлинига, ҳокимиётга келган бошқарув элитасига, таълим ва илм-фанга нисбатан жамиятда шаклланган писандислик, бефарқлик ҳолатига кўпроқ даражада боғлиқ бўлди, деб айтиш мумкин.

Бу даврда Ўзбекистонда шаклланган кучли давлат тизими ва бошқарув шакли бир томондан, дастлабки йиллarda кўпраб долзарб муммомларни тезкор ҳал қилиш, жамиятда барқарорликни сақлаб туриш имконини берди. Аммо бошқа томондан, мамлакат катта ютуқларга эришганини таъкидлаш, ҳалқ фаровонлигини ошириш, жамиятни демократизациялаш, ўзини ўзи бошқарига ўтиши ҳақида умумий гаплар билан чекланиш, мавжуд ҳолатдан шукроналикни доимий тарғиб қилиш жамиятда фаоллик ва ташаббускорлик руҳини сўндириди. Аср охиридаги демократик жараёнлар аста-секин барҳам тобиб борди. Бу ҳол бошқарув тизимининг барча боскичида коррупция, таниш-билишилик каби ишларнинг кучлашибига олиб келди. Амалдорлар, хукуқни ҳамо қилиш тизими вакилларида ҳалқдан ажralанли, ундан ўзини устун ўтиш, оддий ҳалқа нисбатан писандислик психологияси шаклланди.

Оқибатда бошқарув тизимида ватанпарвар, ташаббускор ва масъулиятни шахсларнинг шаклланниш учун имконият доираиси тобора қисқарди. Бошқарувнинг бир қатор, айниқса, ўрта ва куйи бўғинларида фақат юкоридан берилган бўйруқни бажаришни ўзининг ягона вази-

фаси, деб биладиган ташаббусиз ва лоқайд амалдорлар катлами шаклланди. Муҳим лавозимларга ўзларининг яқинларини тайинлаган бу амалдорлар протекционизм, ург-аймоқчилик, коррупция каби ишларнинг кенг тарқалиши учун имконият яратди. Давлат хизматчиларининг ўз фаолиятида амал қилиши лозим булган одоб-аҳлоқ коидаларига амал қиласлаги, бунинг устидан лозим даражада назоратнинг йўқигига давлат хизмати соҳасида суистемоллик ва коррупция ҳолатлари келиб чиқишнинг асосий сабабларидан бўлди. Зоро, мамлакат тараққиётiga салбий таъсир қиливчи ишлардан бири — коррупциядир.

Шу ўринда айтиш жоиз, XX аср охири — XXI аср бошларида ўз берган сиёсий жаҳаёнларнинг бевосита иштирокчisi бўлган бир қатор собиқ раҳбарлар сўнгги пайтларда матбуотда ўтихорларини баён қилиб, жамиятда маълум бир фикри шакллантиришга, ўзларини оқлашга ҳаракат қилимоқдалар. Бундай ҳол тарих учун янгилик эмас. Аслида бу жараёнлар чуқур илмий ва холос таҳлили талааб қиласиди. Бундай тадқиқот фақат ўтмиши бахолаш учунгина эмас, кечаги хатоларни тақрорламаслик, бунгунча англаш ва келажакка тўғри йўлни тандаш учун ҳам жуда зарур. Зоро, бахқоний тарих, ҳатто, унинг айрим саҳифалари ўта ачиқ бўлса-да, милий онгнинг юксалишига, миллиатнинг жипслашувига хизмат қиласиди, ватанпарварлик ва Ватанга садоқат ҳисларини шакллантириди.

Шунинг учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ислоҳотларда ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, Ўзбекистон тарихига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки советлар даврида коммунистик мағкура, мустақилликнинг дастлабки чорак асирида эса ҳокимият манфаатларига хизмат қилишга мажбур бўлган ва шунга кўнинкан ижтимоий фанларда бугун амалга оширилаётган бир қатор илмий тадқиқотлар савииси кечаги кун даражасида қолиб кетмоқда. 2017–2018 йиллари фалсафа доктори илмий даражасида тасдиқланганлар тўғрисида маълумотга эътибор қаратсан, масалан, иктиносидий фанлар соҳасида, юкорида айтиб ўтилган муммомларнинг сабабини ўрганишига, бу ҳолатдан ҷишиш йўлларини излашга қаратилган мавзуларни учратмайсиз. Аксарияти "Сут йўналишидан қорамочиличи тармомини ривожлантиришнинг асосий йўналишилари", "Агресор-висни ривожлантириши асосиси қорамочиличи маҳсулотларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш" каби муммомлар билан чекланган, илмий хуросалар, уларнинг амалий аҳамияти ҳам шунга яраша. Ваҳоланки, бугун айнан иктиносидий соҳасида чуқур илмий тадқиқот ўта долзарб бўлиб қолмоқда.

Худди шунингдек, тарих фанлари бўйича илмий даражада тасдиқланган олимларнинг илмий ишларида ҳам мустақилликнинг ўтган чорак асири муммомларини тадқиқ қилишга қаратилган мавзуларни учратмайсиз. Уларда ҳам тадқиқотларнинг катта қисми "Ўзбекистонда ишакчиликнинг ахволи ва трансформация жараба (1965–1991 йиллар)", "Ўзбекистонда имкониятни чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати (1991 – 2014 йиллар)" каби тор мавзуу ва шу даражадаги илмий хуросалар билан чекланади.

Бунинг бир қанча сабаблари бор, албатта. Хусусан, мустақилликнинг чорак асири давомида жамиятдаги бир қатор долзарб муммомларни холис илмий ўрганиша кўйилган нарасмий таъсиқ илмий ишлар мазмунига салбий таъсир кўрсатди. Бир қатор тадқиқотилар ва уларнинг илмий раҳбарлари орасида "муаммоли" мавзуларни четлаб ўтиш, "бетараф" мавзуларни танлаш одат тусига кириб борди. Бу эса ўз навбатида, тадқиқот мавзуларининг торайшишга, илмий хуросаларнинг сиёсий конъюнтурага мослаштирилиб, содалаштирилиши ва ҳатто, соҳталаштирилиши олиб кeldi.

Фанимизни бундай ҳолатдан қарғанишнинг йўлларидан бири сифатида профессор Д.Матрасолов "докторлик диссертацияларни (айниқса, табиий ва техник мутахассисликлар бўйича) ёзиши аста-секин инглиз тилига ўтиш"ни таълиф қилимокда. Бундай қадам, профессорнинг Фикрича, олимларимиз илмий фаолияти натижаларининг жаҳон илмий-аҳборот кенглигига кириб боришига кўмаклашади, уларни жаҳон илмий ҳаммажамияти қабуғи қилиади.

Олимнинг бу таълифи бир қараганда тўғридан туюлади. Аммо савол түғлиди: фанин ислоҳ қилишдан, уни ривожлантиришдан мақсад нима? Олимларимиз илмий фаолияти натижаларини чет эллек олимлар тан олиши асосий мақсадми?

Фикримизча, фан, биринчи навбатда, Ўзбекистон тараққиётига, унинг муаммоларини ҳал қилишга хизмат қилиши лозим. Яъни, олимларимиз диссертацияларини инглиз тилида ҳимоя қилганда эмас, шу фан ёрдамида Ўзбекистон ўз тараққиётидаги кўзга кўринарни ютуқларга эришагина фанимизни дунё тан олади.

Масалан, Африка ва Осиёнинг бир қатор мамлакатлари инглиз (ёки француз) тили таълим ва фан тилихобланади, аммо бу мамлакатлар иктиносидий жиҳатдан қолоқ бўлгани учун ҳам улар фани дунё миёсдида айтарилиши ахамияти эга эмас.

Муаммонинг бошقا томони ҳам бор. Агар таълиф қилинётган ислоҳот натижасида ўзбек тили фан соҳасидан сиқиб чиқарилса, у машини тилга айланни ютишади. Бу эса милий тилини, кейин эса ўзларни йўқотиш сари ташланган биринчи катта қадам бўлади.

Кейинни йилларда мамлакатимизда амалга оширилётган ислоҳотлар олимларимиз олдига шу ислоҳотлар натижасида жамиятда ўз берайтган туб ўзгаришларни таҳлил қилиш, жаҳон тажрибасини чуқур ўргангандан холда истиқболга мўжъалланган илмий прогностик ишлаб чиқиш вазифасини юклайди. Ҳозир иктиносидётни ислоҳ қилиш, ҳалқ фаровонлигини ошириш асосий вазифа бўлиб қолаётган бир пайтда, янги технологиялар, инновацияларни эътибор қатталиги табиий ҳол. Аммо замонавий жамиятда гуманитар фанларнинг инсон ҳаётида мухим ўрин тутишини ҳам унутмаслик лозим. Зоро, бу фанлар, адабий ва санъат билан бирга жамиятда қадрятлар тизимида шакллантириди. Айрим курдатли давлатлар бутун дунёда ўзларига мос ягона маданий майдонни шакллантиришига уринаётган ҳозирги глобаллашув даврида бу жуда долзарблик касб этади. Чунки айнан қадрятлар тизимида миллиатнинг тарихи, ўзига хос ноёб хислатлари, орзу-умидлари ўз аксии топади ва милий қадрятларни асрай олган миллатини ўзлигини сақлаబ қолади.

Бунун барча соҳалар сингари фанда ҳам катта ўзгаришлар, ислоҳотлар бошланди: Аслида илм-фан ўзгариётган жамиятда унга мослашши эмас, шу ўзгаришларнинг ялов-бардори бўлиши, жамиятни жадал ола ҳаракатлантирувчи илғор кучга айланнишни лозим. Бунинг учун эса илмий тадқиқотлар сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, илмий ишлар натижаси фан эмас, жамият учун долзарб ва фойдали бўлишига эришиш талаб қилинади.

**Шуҳрат ЭРГАШЕВ,
ЎзР Фанлар академияси
Тарих институти катта
илмий ҳодими,
тарих фанлари
номзоди**





Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда вилоят ҳоқимлиги ташаббуси билан бир гурӯҳ мутахассислар шу кунларда буюк ватандошимиз Абул Мунин ан-Насафи илмий меросини ўрганиши бўйича Туркияда бўлиб турибди.

Буюк ватандошимиз Абул Мунин ан-Насафи қалом илми алломаси, фақих ва усулиётчи олим сифатида кенг шуҳрат қозонган, асрлари дунё миқёсида маълум ва машҳур бўлган. Мисол учун: "Баҳруl қалом" асарининг қўимматли қўлэзмаларидан бири Дубайдаги Жумъа ал-Можид номли маданият ва мерос марказида, иккинчиси Дамашкдаги аз-Зохира кутубхонаси қўлэзмалар бўлимида, учинчиси Багдоддаги "Мактабат ал-авкоф-да"да, тўртичини Қоҳирадаги машҳур "Дорул-кутуб" қўлэзмалар бўлимида сакланади. Ушбу қўлэзманинг оддий хатда кўчирилган боша бер нусхаси Искандариянинг (Миср) "Мактабат ал-бадаийи" номли кутубхонасидан жой олган.

Насафи асрлари намуналарини Туркиядан ҳам топиш мумкин. Жумладан, "Қасид ал-қавоид фи илм ал-ақоид" асарининг бир қўлэзма нусхаси Истанбул университети кутубхонасида, "Маноҳиж ал-айммати фил-ғуруб" китоби нусхаси esa Истанбулдаги "Лолалий" кутубхонасида сакланади, кўплаб китоблари турк тилига ўтирилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.



МУТАХАССИСЛАРИМИЗ ТУРКИЯДА

Абул Мунин Насафи илмий мероси бўйича изланиш олиб бормоқда

Юртимиз мутахассисларининг Туркияда сафари бундан минг йил олдин ҳам жаҳолатта қарши маърифат билан курашган аллома илмий мероси бўйича изланишлар олиб бориши, асрлари қўлэзмалари билан танишиш, улардан нусха олиш, харид қилиш ҳамда келгусида ҳамкорлик масалалари қараштири.

Тадбирда алломанинг "Табсират ал-адилла" асарининг ўзбек тилидаги таржими маси нашри тақдимоти ўтказилди. Ишти-

рокчилар университетининг қўлэзмалар фонди билан танишиши.

— Бу ердаги мавжуд манбалар рақамлаштирилган, электрон базаси, қўлэзмалардан фойдаланишининг барча имконияти яратилган, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим мудири Эргаш Даминов. — Менга маъкул жиҳати, аждодларимиз, хусусан, имом Мотуридий ва Абул Мунин Насафи асрларига оид илмий тадқиқотлар алоҳида бўлгимда сакланар экан.

Шундан сўнг Анқарадаги Туркия Стратегик тафаккур институтида "Тафаккур дунёсининг меъмори: Абул Мунин Насафи" мавzuida давра сұхбати ташкил қилинди.

Унда Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим мудири, исломшунос олим Эргаш Даминов, ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти Сайдмуҳтор Оқилов, Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари Лола Саодотова, шунингдек, Туркиянинг Стратегик тафаккур институти директори Мухаммет Саваш Кафкасов, Диёнат ишлари собиқ мудири, профессор Мөхәммәт Гурмеш, Анқара университети профессори Сўнmez Кутлува бошқа мутахассислар Абул Мунин Насафи бой илмий-маънавий мероси, нафакат ўз даври, балки бунгни кун учун ҳам муҳим аҳамиятга эга таълимот сифати чукур ўрганиш лозимлигини қайд этдилар. Икки давом олимлари келажакда ҳамкорликда олиб борадиган тадқиқотлар келишиб олинди.

Делегация аъзолари Туркияни ISAM (Ислом тадқиқотлар маркази) кутубхонасида ҳам бўлиб, алломанинг асрлари, илмий тадқиқотлар билан танишидилар. Мавжуд асрлардан нусха олиш, харид қилиш юзасидан музокаралар олиб борилди.

Мутахассисларимизнинг Туркияда сафари давом этмоқда.

Бекзод САЙФИЕВ,
журналист

"FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган ёпиқ аукцион савдосига Фарғона вилояти ИИБнинг 18.07.2019 йилдаги №10/1-142-сонли буортма хатига асосан техник носоз бўлган автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. DAEWOO ESPERO русумли, давлат рақами: 40 402 VSF, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 10 500 000 сўм;
2. ВАЗ 2106 русумли, давлат рақами: 40 303 VSF, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 337 500 сўм;
3. ВАЗ 21061 русумли, давлат рақами: 40 212 VSF, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 337 500 сўм;
4. ВАЗ 21051 русумли, давлат рақами: 40 220 VSF, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 010 250 сўм;
5. ГАЗ-53073 русумли, давлат рақами: 40 280 VSF, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 8 330 000 сўм;
6. ГАЗ-31029 русумли, давлат рақами: 40 359 VSF, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 550 000 сўм;
7. GM UZ DAMAS русумли, давлат рақами: 40 385 VSF, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 6 800 000 сўм;
8. "МИДИБУС" М249 русумли автобус, давлат рақами: 40 217 VSF, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 15 000 000 сўм;
9. ГАЗ-31029 русумли, давлат рақами: 40 545 VSF, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 3 740 000 сўм;
10. GM UZ DAMAS русумли, давлат рақами: 40 514 VSF, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 7 150 000 сўм;
11. ГАЗ-53073 русумли, давлат рақами: 40 321 VSF, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 8 000 000 сўм;
12. ВАЗ 21063 русумли, давлат рақами: 40 354 VSF, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 337 500 сўм;
13. ВАЗ 21061 русумли, давлат рақами: 40 357 VSF, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 337 500 сўм;
14. ВАЗ-21099 русумли, давлат рақами: 40 366 VSF, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 3 995 000 сўм;
15. ВАЗ-2108 русумли, давлат рақами: 40 467 VSF, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 3 187 500 сўм;
16. ВАЗ-21063 русумли, давлат рақами: 40 371 VSF, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 337 500 сўм;
17. DOGAN русумли, давлат рақами: 40 382 VSF, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 550 000 сўм;
18. DAEWOO TICO русумли, давлат рақами: 40 389 VSF, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 800 000 сўм;
19. ВАЗ-2108 русумли, давлат рақами: 40 397 VSF, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 868 750 сўм;
20. ВАЗ-21099 русумли, давлат рақами: 40 408 VSF, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 3 400 000 сўм;
21. ВАЗ-21074 русумли, давлат рақами: 40 409 VSF, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 3 700 000 сўм;
22. ВАЗ-21061 русумли, давлат рақами: 40 413 VSF, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 337 500 сўм;
23. ВАЗ-2109 русумли, давлат рақами: 40 417 VSF, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 975 000 сўм;
24. GM UZ TICO русумли, давлат рақами: 40 456 VSF, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 3 150 000 сўм;
25. DAEWOO TICO русумли, давлат рақами: 40 465 VSF, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 800 000 сўм;
26. OPEL VECTRA русумли, давлат рақами: 40 511 VSF, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 4 760 000 сўм;
27. ВАЗ-21053 русумли, давлат рақами: 40 480 VSF, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 1 402 500 сўм;
28. ВАЗ-21063 русумли, давлат рақами: 40 481 VSF, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 337 500 сўм;
29. ГАЗ-310200 русумли, давлат рақами: 40 491 VSF, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 3 927 000 сўм;
30. UAZ-315101 русумли, давлат рақами: 40 562 VSF, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 200 000 сўм;
31. ВАЗ-21063 русумли, давлат рақами: 40 498 VSF, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 337 500 сўм;
32. "OTAYOL" русумли автобус, давлат рақами: 40 428 VSF, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 7 500 000 сўм;
33. ГАЗ-53A (цистерна) русумли, давлат рақами: 40 221 VSF, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 10 412 500 сўм;
34. OPEL русумли, давлат рақами: 40 188 VSF, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 6 545 000 сўм;
35. GM UZ NEXIA русумли, давлат рақами: 40 175 VSF, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 5 163 750 сўм;
36. MERCEDES BENZ 190 русумли, давлат рақами: 40 191 VSF, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 5 737 500 сўм;
37. VOLVO S80 русумли, давлат рақами: 40 120 VSF, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 9 193 100 сўм;
38. GM UZ NEXIA русумли, давлат рақами: 40 161 VSF, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 5 163 750 сўм;

маълум қиласиз. Тақрорий аукцион савдосига аризалар қабул қилиш аукцион савдоси бошланшидан бир кун олдин тұхтатилиади.

Талағорлар мүлк бошланғич баҳосининг 10 фойзидан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини келишув шартномасига асосан "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖнинг ХАБ "Траст-банк" Фарғона филиалидаги кўйидаги ҳисоб-ракамига тўлашлари лозим:

X/Р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-үй.

Тел: +99895-402-54-75 Гувоҳнома № 1894.

**ЭРОН
ЁЛГОНЧИМИ?**

ЗЕЛЕНСКИЙ ПАРТИЯСИ САЙЛОВДА ЮҚОРИ НАТИЖАГА ЭРИШДИ



МДХ мамлакатлари бүйича мустақил эксперт Андрей Суздалцев Молия-Банк ассоциациясы (МБА)да "Бугунги иқтисодиёт" мавзууда ўтказилган сұхбатда Украина Радасында бүйік ўтаётган сайловлар бүйіца ўз фикри ни билдири, деб ёзмода Reuters ахборот агентлиги.

— Тан олиш керак, Украина Президенти Владимир Зеленский ўз рейтинги билан инқозити барқарорлаштириды ва жуда яхши натижада күрсатмоқда, — деди Суздалцев. — Буunning партияси вакиллари сайловда күп овоз тұллашига сабаб бўлди. Бундай натижага эришиш унинг учун катта ютуқдир.

Экспертнинг фикрича, Украина хукуматини шакллантириш учун кураш ҳали давом этади. Мамлакатда янги сиёсий воқеелик — парламент-президент ҳокимияти вужудга келди. Бундай вазиятда, энг аввало, хукуматга ким раҳбарлик қилиши муҳим аҳамиятта эга.

Аввалик "Слуга народа" ("Халқ хизметчisi") партияси етакчи Дмитрий Разумников парламента бошшарувчи коалицияни шакллантириш борасида режалар боrlигини маълум қилган эди.

Айтиш жоиз, 21 июль куни ўтказилган сайлов натижалариға кўра 44,2 фойз овоз тўплаган "Слуга народа" партияси етакчи бўлиб турибди.

Эронда АҚШ фойдасига жосуслик қилганлика айланган 17 кишига нисбатан суд ҳукми ўқилди. Уларнинг айримларга олий жазо берилган. Бу ҳақда Euronews хабар бермокда.

Эрон Ахборот ва миллий хавфсизлик вазири-гининг террорчиликка қарши кураш департаменти директорининг айтишича, айланувчи "агентлар" мамлакатнинг ҳәёттій мұхым обьектлери ҳақида маълумот тўплаш ва АҚШнинг Марказий разведка бошқармасида тайёргарликдан ўтганлика гумон килинмоқда.

АҚШ Президенти Дональд Трамп бу хабарни инкор қилган. Үзининг Twitterдаги саҳифасида "Бу шунчаки нима қилиши билмайдиган диний режимнинг нағбатдаги ёлғон ташвиқоти", деб ёзган.

АҚШ давлат котиби Майл Помпео "Fox news"га берган интервьюсида Эрон бундай ёлғон хабарларни биринчи марта тарқатмаётгани, Американинг учувчисиз курилмасини уриб туширгани ҳақида, бир неча кун аввал эса танкерни ҳибга олганлиги, лекин буларнинг ҳаммасини инкор этаётганини айтди. Шу боис мен Эрондан келаётган хабарларга танқидий нұктаи назар билан қарашни таклиф этаман, деди у.

ПУТИНГА ТАКЛИФНОМА КЕЛМАДИ



Польша Иккинчи жаҳон уруши бошланган күн мұносадаты билан ўтказилиши режалаштирилган хотира тадбирiga НАТО, Европа Иттифоқи давлатлари, шунингдеги, Беларусь Республикасынан вакиллар тақлиф этган. Этиборли жиҳати шундаки, Польшага хужум бошланған кунга 80 йил тұлғасы мұносабаты билан ўтказила-

диган тадбирга Россия тақлиф этилмаган. Бу ҳақда Польша Президенти матбот хизмати раҳбари РИА Новостига хабар берdi.

Польша хукумати бош вазири ўринбосари Яцек Сасин тадбирга Германияның канцлері Ангела Меркель тақлиф қилин-

ганини тасдиқлади.

— Олдиндан бир нарса дейишім қынин, лекин биз оптимист ҳисобланамыз, — деди Яцек Сасин Германия Федерал канцлерининг келиши ҳақидаги саволга. Бундан ташқари, Польша Президенти Анджей Дуда ушбу тад-

бирада АҚШ Президенти Дональд Трампни ҳам күришинаста истаётганини айтган.

Иккинчи жаҳон уруши бошланған күн тадбирleri Польшада ҳар йили 1 сентябрь санаасида Болтиқ деңгизи буйидаги Гданск порт шаҳрида соат 04:48да бошланади. Бундан 80 йил аввал Польша ҳудуди айнан шу ердан бомбардимон қилинган.

Россия Федерациясы Президенти Владимир Путинга тақлифнома жүннатилмаган шу йилнинг 20 марта аён бўлган эди. Үшанды Польша Президенти администрацияси хотира тадбирини ўзаро яки ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар билан бирга нишонлаш режалаштирилаётганини билдирган.

РОССИЯ УКРАИНДАГИ САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИДАН ҚОНИҚМАДИ



Россия ташқи ишлар вазирилигидаги Украинаға навбатдан ташқари парламент сайловлари "умидли овоз бериш" деб номланған айтилади. Дипломатик ҳисоботда "воқеалар ривожини дикқат билан күзатища давом этиш" ва "Украина янги хукуматини қилган амалий ишларига асосан баҳолаш кераклигі" ҳақида ёзилган. Бу ҳақда "ru.euronews.com" сайты хабар берди.

Сиёсатшунос Дмитрий Орешкиннинг сайлов борасидаги фиқри қўйидагича:

— Украинаға сайлов расмий Москва учун бир қанча ёқимиз "совфа" ҳада қўлди. Чунки Россия Виктор Медведчук ("Мухолиф платформа — Ҳаёт учун") тарафдори эди. Лекин натижа Москва кутганидек бўлмади. Мамлакатнинг амалдаги Президенти партияси парламентда күп овозга эга бўлмоқда. Бу келажақда парламентда мухолиф кучларнинг таъсирин камаиди, деганидир. Бундай ҳолатда Президент ўз сиёсатини кучли қаршиликсиз юритиши мумкин бўлади.

**Муҳторбек АБДУЛЛАЕВ
тайёрләди.**

БРИТАНИЯДА

77-БОШ ВАЗИР САЙЛАНДИ



эълон қилинди, деб хабар беради "gazeta.ru".

Чорсанба куни амалдаги бош вазир Тереза Мэй ваколатларини топширганидан сўнг Жонсон мамлакат бош вазири бўлади. Хукуматнинг амалдаги бош вазирдан янгисига расман топширилиши чорсанба куни парламентсессиясидан сўнг бўлиб ўтади.

Ушбу лавозим учун Борис Жонсондан ташқари қиролликнинг амалдаги ташки ишлар вазири Жереми Хант ҳам кураш олиб борди.

Мамлакатда ҳукмрон ҳисобланған консерваторлар партияси етакчилиги учун сайловларда Борис Жонсоннинг партияянин 92 153 нафар вакили овоз берди. Жереми Хант эса 46 658та овоз тўлади.

Жонсоннинг бош вазирликка сайланғаннинг қиролича Елизавета II тасдиқласа, у янги лавозимга киришиади.

"Биз Врехити амалга оширамиз", — деди Жонсон сайловларда голиб бўлгани эълон қилингач.



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Келинг, ушибу саволларга жавоб топиш учун ҳаётда рўй берётган ибратли ва кўнгилсиз воқеалар, яхши-ёмон ҳодисаларни биргалашиб таҳлил қилийлик. Шунда ҳақиқат оидинлашади. Буюк юонон файласуфи Суқрот айтганидек: "Тарбия қийин иши ва тарбия шарт-шароитларини яхшилаш — ҳар қандай кишининг ҳам муқаддас бурчларидан биридир. Зоро, ўзи ни ва тевараф атрофдагиларни маълумотли қилишдан ҳам кўра муҳимроқ иши йўғу".

Яхши тарбия кўрган одамга гулзор, ёмон тарбия топганга тиканзор насиб этди. Масалан, бугун одамларга берилётган ҳақ-хукуқ, сўз эркинлиги Интернет сайтиларида тўлиқ намоён бўлаёттир. Яхши, ибратли фикр-мулоҳазалар билан бирга мутлақа курақда турмайдиган сўзлар ҳам ижтимоий тармоқларни ишғол қилаётгани жуда ташвиши. Одамнинг шаънига тегадиган ҳаёсиз гаплар кўп.

Одамга ишонч қолмади. Кўслимизда қофоз бўлмаса қадримиз ҳам бир пул. Агар қофоз пул бўлса унда бошқа гап. Кадрингиз бир зумда юксалади. "Пул ўлсин-а, пул ўлсин..."

Қоғозбозлиқдан кутуламиз дейламиzu илоҳи бўлмапти. Машук шоир В.Маяковский: "Қоғозбозлини йўқ, кўргани кўзим", деб ёзганига салкун бир аср бўлмапти. Биз, қоғозбозлиқдан кутилиш ўрнига қофоз кулига айландик. Кўлингда қофоз бўлмаса, галингга, ҳатто, турмуш ўртоғинг

ТАРБИЯ ФАРИШТАЛАРИ

биз уларни асрар-авайлайлик



Ёзувлардаги ғиж-ғиж хатолар билан мўътабар она-тилимининг шўрими куритишиларига нима дейсиз? Саводсиз бўлсанг, ёзмай қўйол. Тилда нима айб? Энг ёмони фикрларимиз жуда ғарис. Бирор бир воқеа ёки ҳодисага босиқлик билан жавоб бериш ўрнига жizzакилик қиласиз, шахсга тегинамиз. Ети автолидини "сийлаймиз". Ўлганларнинг гўрига яна тупроқ тортамиз.

Хилма-хил фикрларнинг айтилаёттани яхши. Кўччиликнинг фикри бир-бираға тўғри келмаслиги ҳам табиий. Ҳар қалай фикрларни юшладик-ку, деб одам хурсанд бўлади. Лекин фикрларнинг саёслиги,

куруқлигини қўриб ҳали фикрлаш маданияти ва тарбияси шаклланмаганидан кўнгил хира торади. Афсус...

Галати ҳолат: бизга минбар берилганда ҳеч қачон тўғри фойдаланмаганимиз. Табитимизда жохиллик, ўз олиш устун бўлгани боис манзилга тўғри йўл қолиб, ўрталаб чиқиши, рақибимизни бадном қилиши, тезроқ ўч олиши яхши қўрамиз. Бизга, тўўри, ҳалол юрган одамлар ҳам батъян ёкмай қолади. Иложи борича эл назарига тушган ана шундай ҳалол-пок одамларга уйламсандағароз тошларини отиб, хузур қиласиз.

Нега? Нима унун?

Ҳасад, кўролмаслик сингари иллатларнинг тузуми йўқ экан. Ҳамон қонимизда кўплирб турбиди. Олдинлари уй, машина олганларни кўролмаслик. Энди мукофот олганларга мансабу мартабаларга эришганларга ҳасад қиласиз, бадном қилишга бел боғлаймиз. Шундай кезларда шоирнинг ўлмас сатрлари ёдга тушади: "Қачон ҳаљ бўласан, эй сен олоном..."

Таҳлилчиларнинг фикрича, инқирозли дакиқаларда саҳнада пайдо буладиган "оммавий одам" ўзини ҳамиши агресив тутади. Ўзини ҳар қандай маданиятдан узоқ тутувчи оломон ҳамиша хавфидир...

ҳам ишонмайдиган бўлиб бораёттири. Қоғосиз на яшаб, на нафас олиб бўлади. Чунки кўп ёлғон айтди, ёлғончиликка обдон берилди, ёлғонни қундвалик машгулotta айлантириди. Ва ёлғонларисиз яшай олмайдиган авгола келдик.

Ана шо ёлғончиликка барҳам бериш учун қоғозларни ишга солдик, қоғозларга ишондик. Қоғозларда режалар тузиб, қоғозларда бажардик. Бажаруб, мукофотлар олдик. Қоғозбозлик юксалганда юксалиб, авж олганидан авж

олди. Одди-ю бир куни унинг ҳам миси чиқиб қолди. Қоғозларда ёзилгандари орасида ростдан кўра ёлғонлари кўп экан. Қоғозга ҳам ёлғон аралашди. Чунки қоғозлардаги ёзувларни одам ёзётган эди. На илоҳ, одамга ёлғон оға-иницед әргашиб юаркан. Ҳатто "қариндош" ҳам бўлиб кетаркан. Ёлғонларни фиш қиммоқи бўлган қоғоз ҳам ёлғонга айланди. Энг катта ёлғончи қоғоз бўлиб қолди...

Наҳотки биз бугун дунёда ном қозонган шундай улғозларнинг авлодлари бўлсан? Тарбиямиздаги бу кемтик қочан тўларкан?.. Метро вагонлари, автобуслар, поездлардаги озиқ-овқат қодикларини, турли хил ширинилкварларнинг қоғозларини, бўшаган элем идишларни айтишининг ўзи уят.

Концерт заллари, стадионаларда ахлат уюмлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Айрим журналистлар бу долзарб мавзузни ёзбі-ёзбі аллақарпага пенсияга чиқиб кетишиди. Лекин биз ҳавас қиладиган даражада ўзгариш бўлмади. Бу ҳам тарбияга боғлиқ.

Айтайлик, отаси билан стадионга футбол кўргани келган ўсмир ёки йигит отасининг писта чиқиб ўтирганини, суви тугаган елим идишни ёки тамаки кўтисини ўриндиқ остига ташлаганини кўргач, у ҳам айнан шундай қилиди. Концерт томошасига келган қиз онаси ёнки опасининг турли иҷиммик сувлардан бўшаган идишларни ёки ширинилк қоғозларини залга ташлаб кеттанини қўриб, у ҳам, албатта, бунга "муносиб хисса" кўшади.

Болалар катталарага қараб тарбия олишини унтумайлик!

Кўччиликнинг эсида бўлса керак, 2018 йил. Россияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида Япония футбольчилари гарчи мағлийатга учраган бўлсалар ҳам, ўйиндан сўнг ўзлари кийим алмаштириган хонани, япониянига муҳислар эса стадионни ҳар хил ташландик қоғозлар, бўломлар, идишлардан тозалаб кеттани ҳақида матбуот нашрлари зўр ҳавас билан ёзди.

Ва, бундай маданиятдан ибрат олсалар арзийди...

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида "Бахт қасри" деб номланган замонавий, янги уй-жой мажмуси қўриб битказилди. Одамлар яшяяпти.

Уйлар чиройли, кўркам. Ҳамма нарсаси алоҳида. Иситиш тизимидан тортиб, болалар ўйин майдончаларига мажмужа ичди. Ўйлар баланд-баланд темир панхаралар билан ўралган. Панхаралар қалинлигидан ҳатто мушукнини боласи ҳам ўтломайди. Бизда ё темир кўн, ё "Бахт қасри"даги бахтни бирорлар ўғирлаб кетмаслиги учун курилганмикни бу панхаралар, деб ўйлаб қоласан...

Майли ўйлари ҳам, бахтлари ҳам ўзларига буорсин. Кўшини бўлгандан сўнг, батзан кириб қоламан, бу ўйларда яшовчилар атрофдагилардан ўзларини бошқача тутадилар. Кийимлари ҳам, машиналари ҳам алламбало. Ахир улар "янги ўзбеклар". Янгича турмуш тарзини, "янгича маданият"ни олиб кирайтган бўлсалар ҳам жаб эмас. Эҳтимол, улар шиддат билан ўзгараётган замоннинг олдинги сафларидан бораётган илгорлардир. Билмадим. Лекин бир нарсани биламанки, улар тўклидидан, ҳашшаматдан эсанкираб, ўзларини тутолмай қолган, миллий урф-одатлар, анъаналарнинг шафтасизларча обёқати қўлини тутадилар. Бу ўйларда яшавчилардан ўзларини бўлгандан ўтказилган кимсаларга ўхшайди. Нарфарлик, на шарқлар каторида бор бу "янги ўзбеклар"...

"Бахт қасри"га қайриладиган муюлища каттагина чиқиндохона бор. Бу ўйларда тудраганлар елим халталарага солинган кундаки чиқиндилирни машиналарда ўтириб ахлат кутиларга иргитадилар: ахлат тўла бу елим халталар ё кутига тушади, ё ерга тушиб ёрилиб кетишига ҳам кўт бора гуло, бўлдик.

Ана сизга маданият, ана сизга тарбия, — Ака, — деди куюниб "Махсус транс"нинг

ушбу шахобчasi хизматчиси Равшан. — Майли тўкилган чиқиндилирни териб олиш бизнинг вазифамиз. Лекин уларнинг орасида бўллаклар тутул бутун нонлар ҳам чиқиғаннинг нима дейсиз? Бу нонлар орасида машур Самарқанд нонлари, Кўкон патирлари борлигини кўриб кишининг юраги эзилади. Ахир кимдир уларни хурмат килиб, нонларни олиб келганлар. Ўзин емасанг кўни-кўшиларга, кам таъминланган оиласларга бергина, сабов бўлади. Ахир, ноннинг увоги бор-ку?!

Минг афсуси, бугун орамизда юқоридағи каби хунук воқеаларни қўриб улғояёттанди шашларимиз ҳам бор

Одамзотнинг табиати шунако нон йўғида, унга етолмаганида нонга зор бўлади. Бой бўлиб, ҳашамат билан яшавёттанида нонни хор қилиди. Бу ҳам тарбиясизликнинг аянчли бир кўриниши. Яны, "Бахт қасри" да ўштаган ёнги ўзбеклар" ёштагидан "тарбиявий" сабоқлар. Менинг улардан ҳам кўра ўндаидарининг келажаги кўпроқ ташвиши колади. Улар ким бўладилар? Миллати-чи?

Миллати бўлармикни уларнинг?

(Давоми келгуси сонда)

Ашурали
ЖЎРАЕВ,
адиб



Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ҳубекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 раками билан рўйхатдан ўтган.

Буортма — Г 726, Адади — 1706. Газетанин баҳоси келишилган нарҳда.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқти наазаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририят келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига кайтарагимайди.

Навбати мұхаррар: Мұхторбек Абдуллаев.

Навбати: Диляғоз МАҲКАМОВА

Сахифалар: Жалолиддин ЙУРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mtl.uz, mtiklanish@mail.ru

Босишига топшириш вақти — 21.30. Топшириди — 00.35.

